


## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг учинчи чорагида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 1.2.-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг учинчи чорагида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида 2024 йилнинг 3-чорагида тафтиш тартибидаги шикоятлар (протестлар) асосида **619 та** иш ўрганилган, шундан тафтиш инстанциясида **80 та иш кўрилган** бўлиб, **57 таси** бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, **22 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган**, **1 та** шикоят бўйича иш юритиш тугатилган.



Жами бекор қилинган **22 та** суд ҳужжатларидан **10 таси** бўйича янги қарор қабул қилинган, **9 таси** бўйича иш янгидан кўриш учун қуйи судларга (шундан, **1 таси** биринчи инстанцияга, **6 таси** апелляция инстанциясига) юборилган, **2 таси** бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, **1 таси бўйича** апелляция инстанцияси судининг қарори ўз кучида қолдирилган.



Судлов ҳайъатида кўрилган ишларнинг 5 таси Хоразм вилояти, 4 таси Навоий вилояти, 2 таси Сирдарё вилояти, 1 тадан Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилояти маъмурий судларига тўғри келган бўлиб, мазкур вилоят судларининг барча суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Шу билан биргаликда тафтиш инстанциясида кўрилган Бухоро вилоят судларининг 12 та ишдан 3 таси, Жиззах вилоят судларининг 3 та ишдан 1 таси, Қашқадарё вилоят судларининг 6 та ишдан 1 таси, Наманган ва Самарқанд вилоят судларининг 5 та ишдан 1 таси, **Сурхондарё вилоят судларининг 3 та ишдан 3 таси**, Фарғона вилоят судларининг 6 та ишдан 1 таси, Тошкент вилоят судларининг **6 та ишдан 4 таси**, Тошкент шаҳар судларининг 21 та ишдан 7 таси бўйича суд қарорлари бекор қилинган.

Таҳлиллардан кўринишича, 2024 йилнинг 3-чорагида тафтиш инстанциясида кўрилган ишларнинг асосий қисмини **махаллий ҳокимликларга нисбатан** (27 таси ёки 4,7 фоизи) кўрилган ишлар ташкил этиб, бу асосан ер муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ташкил этган, шунингдек, кўрилган ишларнинг **16 таси ёки 2,6 фоизи солиқ идоралари** жавобгарлигидаги, **5 таси ёки 1,0 фоизи кадастр органлари** мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ташкил этган.

Жами бекор қилинган 22 та суд қарорлари бўйича 4 та ёки 18,2 фоиз суд қарорлари процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги, 18 та ёки 81,8 фоиз суд қарорлари моддий ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги сабабли бекор қилинган.

Муайян ишлар бўйича суд қарорларини бекор қилишга асос бўлган ҳолатлар қуйидаги ишлар мисолида келтирилади:

**Аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш масаласини тўғри ҳал қилиш учун суд вужудга келган ҳуқуқий муносабатни ва унга қўлланиши лозим бўлган қонунчиликни аниқлаши керак**

Аризачи Х.Ш. судга жавобгар Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилояти Китоб туман бўлимнинг қарздорнинг биноларини аукцион савдоларига чиқармасликдан иборат ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топиш ва жавобгар зиммасига мажбурият юклаш ҳақида ариза билан мурожаат қилган.

Қарши туманлараро маъмурий суди шикоят қилинаётган ҳаракатсизлик оммавий ҳуқуқий муносабатни келтириб чиқармаслиги, балки давлат ижрочисининг зиммасига юклатилган меҳнат вазифаларини бажармаслик ҳисобланиши ва бундай ҳолатда манфаатдор шахслар юқори турувчи давлат ижрочиси ёки прокурорга мурожаат қилиши лозимлигини кўрсатиб, 2023 йил 29 сентябрдаги ажрими билан иш юритишни тугатган.

Қашқадарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 26 декабрдаги қарори билан ажрим ўзгаришсиз қолдирилган.

Қашқадарё вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 15 майдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорининг 6-банди иккинчи хатбошисида, ҳаракатсизлик деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, регламентлар, буйруқлар) билан юклатилган мажбуриятни бажармаслик тушунилиши тўғрисида судларга раҳбарий тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни билан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилган.

Аризачининг талаби ҳам айнан давлат ижрочисининг зиммасига норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан юклатилган меҳнат вазифаларини бажармасликда ифодаланган ҳаракатсизлигидан келиб чиққан бўлса-да, судлар томонидан ушбу ҳолат инобатга олинмаган.

Шунга кўра, Олий суднинг тафтиш инстанцияси талаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан, яъни маъмурий низодан келиб чиққанлигини ва маъмурий судга тааллуқли эканлигини инобатга олиб, 2024 йил 5 июлдаги қарор билан суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборган.

*(5-1801-2301/783-сонли иш)*

**Қонунчиликда апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги ажримлар устидан бериладиган тафтиш шикоятларидан давлат божи ундириш назарда тутилмаган**

Аризачи “ДТК” МЧЖ судга жавобгар Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 01-03/03-сонли иш бўйича 2023 йилнинг 13 ноябрида қабул қилган қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган.

Термиз туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 28 майдаги ҳал қилув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилган.

Мазкур ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгар томонидан берилган апелляция шикояти Сурхондарё вилоят маъмурий суди судьясининг 2024 йил 27 июндаги ажрими билан қайтарилган.

Ушбу ажримга нисбатан жавобгар томонидан берилган тафтиш шикояти Сурхондарё вилоят маъмурий суди судьясининг 2024 йил 9 июлдаги ажрими билан давлат божи тўланмаганлиги учун қайтарилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни 5-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида маъмурий судларга давлат божи тўланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилган бўлиб, унда апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги ажримлар устидан бериладиган тафтиш шикоятларидан давлат божи ундирилиши назарда тутилмаган бўлса-да, судья томонидан ушбу ҳолатга эътибор қаратилмаган.

Шунга кўра, жавобгарнинг тафтиш тартибидаги шикоятини давлат божи тўламаганлик асоси билан қайтариш қонунга зидлиги туфайли Олий суд тафтиш инстанциясининг 2024 йил 6 сентябрдаги қарори билан Сурхондарё вилоят маъмурий суди судьясининг 2024 йил 9 июлдаги ажрими бекор қилиниб, маъмурий иш Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг тафтиш тартибидаги шикоятини иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал қилиш учун Сурхондарё вилоят маъмурий судининг тафтиш инстанциясига юборилган.

*(5-1901-2407/392-сонли иш)*

**Суд томонидан иш ҳолатларининг тўлик аниқланмаганлиги ва ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги суд қарорларини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади**

Аризачи Б.Х. судга жавобгар Пастдарғом туман ҳокимининг 2020 йил 9 мартдаги 379-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан муурожаат қилган.

Самарқанд туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 6 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Самарқанд вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 24 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Самарқанд вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 1 февралдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Пастдарғом туман ҳокимининг 2011 йил 25 июлдаги 1180-Қ-сонли қарорига асосан Б.Х.нинг оиласига деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,35 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиб берилган.

Пастдарғом туман ҳокимининг 2020 йил 9 мартдаги 379-Қ-сонли қарорига асосан учинчи шахс М.Н.га енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун 0,44 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони уч йил муддатга ижара асосида ажратилган.

Аризачи Б.Х. аризасида учинчи шахс М.Н.га унинг ер майдони ҳудудидан жой ажратилганлигини вақ қилиб, Пастдарғом туман ҳокимининг 2020 йил 9 мартдаги 379-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд аризани қаноатлантиришда аризачи Б.Х.га ажратилган ер участкаси 0,35 гектарни, учинчи шахс М.Н.га ажратилган ер участкаси эса 0,44 гектарни ташкил этишига, бундай ҳолатда ҳоким қарорининг 0,9 га қисми аризагининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилмаслиги эътибордан четда қолган.

Шунингдек, Олий суд тафтиш инстанцияси суд мажлисида Пастдарғом туман ҳокимининг 2011 йил 25 июлдаги 1179-Қ-сонли қарори билан учинчи шахс Қ.Н.га ҳам ободонлаштириш учун 0,25 гектар ер майдони ажратилганлиги, кадастр органи томонидан тузилган ер участкаларининг жойлашуви чизмасида ушбу ер майдони Б.Х. ва М.Н.га ажратилган ер участкалари ўртасида жойлашганлиги кўрсатилганлиги аниқланган.

Бундай ҳолатда низоли ҳоким қарорида кўрсатилган ер участкаси таркибига Қ.Н.га ажратилган ер участкасининг қанча қисми кирганлигини аниқлаш ва ишга Қ.Н.ни учинчи шахс сифатида жалб қилиш масаласи ҳал қилинмаганлиги сабабли Олий суд тафтиш инстанциясининг 2024 йил 12 сентябрдаги қарори билан апелляция ва тафтиш инстанция судларининг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

**Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги суд қарорларини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади**

Қибрай туман прокурори “О” фермер хўжалиги манфаатида жавобгар Қибрай туман ҳокимининг 2019 йил 16 январдаги 0218-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Нурафшон туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 4 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 12 январдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 24 январдаги қарори билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Қибрай туман ҳокимининг 2004 йил 12 январдаги 30-сонли қарори билан “О” фермер хўжалигига 6 гектар ер майдони ажратиб берилган.

2004 йил 16 январда 49 йил муддатга ушбу ер майдони ижара шартномаси расмийлаштирилиб, 2004 йил 25 февралда 21-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Қибрай туман ҳокимининг 2019 йил 16 январдаги 0218-сонли қарорига кўра ушбу шартнома бекор қилиниб, ер майдони туман давлат захира ерлари таркибига қайтариб олинган.

Қуйи инстанция судлари, аризачи томонидан судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилганлигини, мазкур ер майдони бошқа фермер хўжалигига ажратиб берилганлигини асос қилиб, аризани рад этиш ҳақида хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 27 августдаги “Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ҳамда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегараларини ўзгартириш тўғрисида”ги СФ-379-IV-сонли қарорига мувофиқ низоли ер майдони жойлашган ҳудуд Тошкент шаҳрига ўтказилган.

Судлар эса ушбу ҳолатни эътибордан четда қолдириб, Қибрай туман ҳокимининг низоли қарорлари билан ажратилган ер майдонлари ҳозирда Тошкент шаҳар ҳудудига ўтказилганлигини инобатга олмасдан, Тошкент шаҳар ҳокимлигини ишга учинчи шахс сифатида жалб қилмаган.

Шунингдек, Қибрай туман “Дўрмон” ҳудудида жойлашган ер майдонлари, жумладан низоли ер майдони бўйича ҳам барча кадастр ҳужжатлари 2021 йил 24 ноябрдаги “Архив ҳужжатларини топшириш қабул қилиш далолатномаси”га асосан Давлат кадастрлар палатаси Тошкент шаҳар бошқармасига топширилганлиги сабабли, Кадастрлар палатаси Тошкент шаҳар бошқармасини ҳам ишга жалб қилиш масаласи ҳал қилинмаган.

МСИЮтК 266<sup>7</sup>- моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, суд шикоятни (протестни) тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича ушбу Кодекс 244-моддаси бешинчи қисмининг 3-бандида (суд томонидан ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги) назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга ҳақли.

Шунга кўра, Олий суд тафтиш инстанциясининг 2024 йил 12 июлдаги қарори билан Тошкент вилоят маъмурий суди апелляция ва тафтиш инстанцияларининг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

*(5-1101-2202/2017-сонли иш)*

**Қонуннинг нотўғри талқин қилинганлиги ва қўлланилиши лозим бўлган қонуннинг қўлланилмаганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлади**

Аризачилар Х.А. ва бошқалар судга, жавобгар Зангиота туман ҳокимининг 2019 йил 19 сентябрдаги 7536-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилганлар.

Нурафшон туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 5 июлдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Тошкент вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 10 октябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 24 апрелдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Зангиота туман ҳокимининг 2019 йил 19 сентябрдаги 7536-сонли қарори билан “Тариқ-тешар” МФЙда жойлашган ер майдонига фуқаро А.А.нинг мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш ҳуқуқи ҳамда унда ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар (омборхона, ошхона, сарой, ҳожатхона)га нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган.

Аниқланган ҳолатларга кўра, аризачилар (А.А.нинг қариндошлари) низоли ҳоким қарори ҳақида 2021 йилнинг март ойида хабар топганлар.

Бироқ, аризачилар қонунда белгиланган судга ариза бериш муддатини узрли сабабларсиз ўтказиб юборганлар.

Қуйи инстанция судлари аризачилар томонидан судга мурожаат қилиш муддати узрли сабабларсиз ўтказиб юборилганлигини тўғри аниқлаган бўлсалар-да, ушбу ҳолатга қўлланилиши лозим бўлган маъмурий процессуал қонун нормасини қўлламасдан, аксинча, мулк ҳуқуқига нисбатан даъво муддати татбиқ этилмаслиги ҳақидаги, маъмурий низога қўллаш мумкин бўлмаган фуқаролик қонунчилиги нормаларини нотўғри қўллаганлар.

Натижада, Олий суд тафтиш инстанциясининг 2024 йил 28 августдаги қарори билан судларнинг қарорлари бекор қилиниб, талабни қаноатлантиришдан рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

(5-1101-2106/2131-сонли иш)

**Қўлланилиши лозим бўлган  
қонуннинг қўлланилмаганлиги  
суд қарорларини бекор қилиш  
учун асос бўлади**

Аризачи «Е» МЧЖ судга жавобгар Тошкент шаҳар солиқ бошқармасининг 23.08.2023 йилдаги 20/1-157018-сонли “Камерал солиқ текширувида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар материалларини кўриб чиқиш тўғрисидаги қарори”ни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 24 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2024 йил 9 январдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 1 мартдаги қарори билан қуйи инстанция судларининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси томонидан «Е» МЧЖда камерал солиқ текшируви ўтказилиб, 2023 йил 27 июль куни текширувда аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни қайд этиш тўғрисида 4963-сонли далолатнома тузилган.

Шу куни «Е» МЧЖга солиқ ҳисоботларига тузатиш киритиш ҳақида талабнома юборилган. Талабномада жамиятга 2021 йил 4-чорак учун фойда солиғига 1 428 015 895 сўм, 2022 йил 4-чорак учун фойда солиғига 1 146 009 492 сўм, 2022 йил декабрь ойи учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига 968 336 976 сўм, жами 3 542 362 363 сўм кўшимча солиқлар ҳисобланганлиги кўрсатилиб, 5 кунлик муддатда ушбу тафовутлар юзасидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш лозимлиги белгиланган.

Талабномага жавобан жамият томонидан 2023 йилнинг 2 август куни юборилган асоснома ва эътирозномада солиқ органи фойда солиғини ҳисоблашда товар-моддий бойликлар текинга эмас, балки жамият (қарз олувчи) ва фуқаролар А.Савуров, Б.Нигматов ва И.Халижановлар (қарз берувчилар) билан 30.08.2021 йил, 20.12.2021 йил ва 20.08.2022 йилда тузилган “Товар қарз шартномалари”га асосан кирим қилинганлиги инобатга олинмаганлиги юзасидан эътирозлар билдирилган ва мазкур шартнома нусхалари илова қилинган.



Тошкент шаҳар солиқ бошқармасининг 2023 йил 23 августдаги қарори билан «Е» МЧЖга жами 3,5 млрд. сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган. Бунда, солиқ органи жамият томонидан ўзининг асосномасига илова қилинган “Товар қарз шартномалари” инobatга олинмаган ва товар моддий бойликларга текинга келган мулк сифатида баҳо берилган.

Солиқ кодекси 14-моддасининг саккизинчи қисмига кўра, ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг, битим қалбакилигининг (кўзбўямачилик учун тузилганлигининг) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини қўллаш, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда солиқ органларининг даъвоси бўйича суд (иқтисодий суд) томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда жамият талабнома ва солиқ органининг хулосаларига норози бўлиб, ўзининг асоснома ва эътирозномасида “товар қарз шартномалари”ни асос қилиб, эътирозлар билдирганлиги сабабли солиқ органи қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлмасдан, судга даъво қўзғатиш тартибида иш юритиши лозим бўлган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги “Судлар томонидан солиқ қонунчилигини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 16-бандида ҳам судларга батафсил тушунтириш берилган.

Бироқ, судлар ушбу моддий ҳуқуқ нормасини қўлламастан, солиқ органи томонидан қўшимча ҳисобланган солиқ турлари ва миқдорининг тўғрилиги масаласи муҳокамасига киришган ва низолашилаётган қарор солиқ органининг ваколати бўлмаган ҳолда чиқарилганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Шунга кўра, Олий суд тафтиш инстанциясининг 2024 йил 29 августдаги қарори билан қуйи инстанция судларининг қарорлари бекор қилиниб, «Е» МЧЖнинг аризасини қаноатлантириш ва солиқ органининг низолашилган қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

*(5-1001-2310/2583-сонли иш)*

**Маъмурий ишлар бўйича  
судлов ҳайъати**